



Premeditated murder in case of passion as a crime with mitigating circumstance

Komil KHAKIMOV ¹

Tashkent State University of Law

ARTICLE INFO

Article history:

Received July 2022

Received in revised form
20 July 2022

Accepted 25 August 2022

Available online

15 September 2022

Keywords:

affect, strong mental
excitement, intentional
homicide with a mitigating
circumstance, frostbite,
damage, excitability,
excitement

ABSTRACT

In this article, the author covered the specifics of intentional homicide as a crime of homicide with a mitigating content in a case of affect.

The author notes that affect is demonstration of emotion, which shows the activity of a person, such as emotion and passion, as well as his functions, which assess external and internal influences, determine his attitude to him.

The article notes that affect is primarily studied as a psychological concept. In psychological science in general affect is understood as "an emotional process that covers a person for himself in a short time, leads to a significant change in consciousness, disrupts his volitional control (leads to loss of self-control), and also causes a change in all functioning of organism."

It is noted that in 48% of the crime of intentional homicide, the victim went against the criminal by his behavior, views, and thus opened the way to commit a crime. Also, in 50% of crime of manslaughter, the victim goes against criminal with his behavior, views, needs, thereby "opening the way" to the crime. The specificity of relationship between the victim and the offender is manifested in this. Eventually, the author came to the conclusion that the state of strong mental excitement is the result of mutual movement of external and internal factors.

2181-1415/© 2022 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol3-iss8/S-pp222-232>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

¹ Head of Department of Criminal Law, Criminology and Anti-Corruption, Tashkent State University of Law
E-mail: hkb22@mail.ru

Аффект ҳолатида қасддан одам ўлдириш енгиллаштирувчи таркибли одам ўлдириш жинояти сифатида

Калит сўзлар:

аффект, кучли руҳий ҳаяжонланиш, енгиллаштирувчи таркибли қасддан одам ўлдириш, фрустрация, зарар етказиш, қўзғалувчанлик, ҳаяжонланиш

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада муаллиф аффект ҳолатида қасддан одам ўлдириш енгиллаштирувчи таркибли одам ўлдириш жинояти сифатидаги ўзига хос хусусиятларини ёритган.

Муаллифнинг қайд этишича аффект ҳиссиёт ва эҳтирос каби инсонни ташқи ҳамда ички таъсирларга баҳо бериши, унга бўлган муносабатини белгиловчи функциялари фаолиятини ўзида намоён қилувчи эмоциянинг бир кўринишидир.

Мақолада аффект аввало, психологик тушунча сифатида ўрганилади. Аффект умумий психология фанида “инсонни қисқа вақт ичида ўзига қамраб олувчи, онгнинг сезиларли даражада ўзгаришига олиб келувчи, унинг иродавий бошқарувини бузувчи (ўз-ўзини бошқаришнинг йўқолишига олиб келувчи), шунингдек, организмнинг барча фаолияти ўзгаришига сабаб бўлувчи эмоционал жараён” сифатида тушунилади.

Қасддан одам ўлдириш жиноятининг 48 фоизида жабрланувчи ўз юриш туриши, хулқи, қарашлари билан жиноятчига қарши борганлиги ва шу тариқа жиноят содир этишга йўл қўйганлиги таъкидланган. Шунингдек, одам ўлдириш жиноятининг 50 фоизида жабрланувчи ўз юриш-туриши, хулқ-атвори, қарашлари, эҳтиёжлари билан жиноятчига қарши боради ва бу билан жиноятга “йўл очади”. Бунда жабрланувчи ва жиноятчи орасидаги муносабатларнинг ўзига хослиги намоён бўлади. Яқунда муаллиф кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолати ташқи ва ички омилларнинг ўзаро ҳаракати натижаси ҳисобланади, деган хулосага келган.

Умышленное убийство в случае аффекта как убийство со смягчающим обстоятельством

Ключевые слова:

аффект, сильное психическое возбуждение, умышленное убийство со смягчающим составом, повреждение, фрустрация, возбуждение

АННОТАЦИЯ

В этой статье автор осветил специфику умышленного убийства как преступления, связанного с убийством, со смягчающим обстоятельством в случае аффекта.

Автор отмечает, что аффект - это проявление эмоции, в котором проявляется активность человека, такая как эмоция и страсть, а также его функции, которые оценивают внешние и внутренние воздействия, определяют его отношение к себе.

В статье отмечается, что аффект изучается, прежде всего, как психологическое понятие. Аффект понимается в общей психологической науке как "эмоциональный процесс, который охватывает человека за короткое время, приводит к значительному изменению сознания, нарушает его волевой контроль (приводит к потере самоконтроля), а также вызывает изменение всего функционирования организма".

Отмечается, что в 48% преступлений, связанных с умышленным убийством, жертва пошла против преступника своим поведением, манерой поведения, взглядами и тем самым открыла путь к совершению преступления. Кроме того, в 50% преступлений, связанных с непредумышленным убийством, жертва идет против преступника своим поведением, манерой поведения, взглядами, потребностями, тем самым "открывая путь" к преступлению. В этом проявляется специфика взаимоотношений между жертвой и преступником. В итоге, автор пришел к выводу, что состояние сильного психического возбуждения является результатом взаимного движения внешних и внутренних факторов.

Кириш

Жиноят мотиви ва мақсади билан бир қаторда жиноят содир этган шахснинг эмоционал ҳолати жиноятни тўғри тавсифлаш ва унга қарши курашнинг криминалогик чора-тадбирларини ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этади. Эмоция сўзи латин тилидаги *emoveo* сўздан олинган бўлиб, "ҳаяжонланаман", "ларзага келаман" [1], деган маъноларни англатади.

"Психология ва фалсафа фанларида вужудга келиш шакли ва давомийлигига кўра шахс эмоционал ҳолатини тўрт асосий шакли ажратиб кўрсатилади. Булар ҳиссиёт, аффект, эҳтирос ва кайфият. Бу тушунчалар ўзининг вужудга келиш шакли ва давомийлиги ҳамда субъект психикасига кўрсатадиган таъсирига кўра бир-биридан ажралиб туради" [2]. Шу боис, эмоционал ҳолатнинг барча шакллари бирдек жиноят-ҳуқуқий аҳамият касб этмайди ва жиноят субъектив томонининг таркиби сифатида намоён бўлмайди. Жиноят ҳуқуқи фақатгина жиноят содир этишга тайёргарлик кўриш ва уни содир этишга бевосита дахлдор эмоционал ҳолат шакллариинигина ҳисобга олади ҳамда ўрганади.

Аффект ҳиссиёт ва эҳтирос каби инсонни ташқи ҳамда ички таъсирларга баҳо бериши, унга бўлган муносабатини белгилаб берувчи функциялари фаолиятини ўзида намоён қилувчи эмоциянинг бир кўринишидир.

Инсон ички регулятив фаолиятининг бир шакли сифатида аффект субъектнинг унга таъсир кўрсатувчи объект ёки вазиятга бўлган муносабати ёхуд реакцияси сифатида намоён бўлади. Шу боис, аффектнинг пайдо бўлиши ва унинг кучини баҳолашда юзага келган вазият ёки ҳолатни баҳолаш муҳим аҳамият касб этади. О.Жалилов тўғри таъкидлаб ўтганидек, юзага келган вазият қабул қилиш мумкин бўлган қарорлар доирасини торайтириши мумкин. Айрим ҳолларда эса, шахсда аниқ белгиланган хулқ-атвор варианты бўлмайди. Бироқ аксарият ҳолларда шахс танлаш имкониятига эга бўлади [3].

Тиббий атамаларлар энциклопедик луғатида аффе́ктга *affectus* – ҳис этиш, ҳаяжонланиш, ҳаддан ташқари ҳаяжонланиш ҳолати, аффе́ктацияга эса *affectatio* кўзгалувчанлик, хулқдаги ғайритабiiй, сунъий серҳаракатчанлик [1], деб таъриф берилади.

Аффе́кт аввало, психологик тушунча сифатида ўрганилади. Аффе́кт умумий психология фанида “инсонни қисқа вақт ичида ўзига қамраб олувчи, онгнинг сезиларли даражада ўзгаришига олиб келувчи, унинг иродавий бошқарувини бузувчи (ўз-ўзини бошқаришини йўқолишига олиб келувчи), шунингдек, организмнинг барча фаолиятини ўзгаришига сабаб бўлувчи эмоционал жараён” [4] сифатида тушунилади.

Мустақиллик йилларида республикамізда жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёки кўрқитиш натижасида жиноят содир этганлик учун жавобгарликни белгилаш, уни халқаро стандартларга мувофиқлаштиришга аҳамият берилди, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини самарали ҳимоя қилишга тўсқинлик қиладиган ҳуқуқий бўшлиқлар ва қарама-қаршиликларни бартараф этиш ҳамда Жиноят кодексида қўлланиладиган атама ва тушунчаларни уларнинг мазмунига аниқ таъриф бериш ҳамда ягона шаклда қўллаш орқали такомиллаштириш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Шу нуқтаи назардан, мазкур йўналиш суд-ҳуқуқ соҳасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари қаторида белгиланиб, бу соҳани тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Маълумки, жиноят қонунчилигининг самарали тизимини яратиш давлатнинг қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатлари, тинчлик ва хавфсизликни ишончли ҳимоя қилиш бўйича устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Шу жиҳатдан ҳам “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Концепцияда қилмишнинг жинойлигини истисно қилувчи ҳолатларни белгиловчи нормаларни такомиллаштириш назарда тутилган [5].

Бундан ташқари, 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ҳам жиноят қонунчилигини такомиллаштириш сиёсатини изчил давом эттириш, жинойий жазолар ва уларни ижро этиш тизимида инсонпарварлик тамойилини кенг жорий этиш изчил давом эттирилиши белгиланди [6].

Материал ва методлар

Аффе́кт ҳолатида қасддан одам ўлдириш жиноятини енгиллаштирувчи таркибли одам ўлдириш жинояти сифатида ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, мазкур ҳолатни назарда тутувчи қонун ҳужжатлари нормаларини таҳлил қилиш. Бунинг учун таҳлил, тарихий-қиёсий услуб, абстракция ва таққослаш сингари илмий идрок этиш усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқот натижалари

О.Д.Ситковская аффе́ктни “вақтинчалик руҳий касаллик саналмайдиган, инсонни бутунлай эгаллаб олувчи ва унинг хулқ-атворида сезиларли даражада таъсир қилувчи шиддат билан юзага келадиган ҳиссий портлаш” [7], деб таърифлайди. Ф.С.Сафуанов эса “аффе́ктни хулқ-атворнинг онгли-иродавий

бошқарилиш қобилиятини чекловчи ва уч даврли ривожланиш шаклига эга бўлган тўсатдан юзага келадиган ҳиссий ҳолат сифатида эътироф этади” [8].

Аффект тушунчасини кенг талқин қилиш ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Агар ҳар бир қўрқув ёки ҳиссий ҳолатни аффект сифатида олиб талқин қиладиган бўлсак, барча ҳаётимизда юзага келадиган ҳолатларни аффект сифатида баҳолашга тўғри келади. Шундай ҳолатга тушмаслик учун аффект ҳолатининг ўзига хос белгилари ва хусусиятларини аниқлаб олиш ҳамда шу орқалигина уни бошқа эмоционал ҳолатлардан ажратиб олиш мумкин. Бунинг учун эса, энг аввало, аффектнинг психологик табиатини тушуниб етиш лозим.

Шу нуқтаи назардан айтиш мумкинки, аффект ҳиссиётнинг табиий асосидан келиб чиқувчи бошқариб бўлмайдиган (беихтиёрий), кўп ҳолларда мақсадсиз кечувчи эмоционал ҳолат сифатида намоён бўлади. Аммо бу белгилар аффектнинг инсоннинг ақли расолигини истисно қилувчи патологик руҳий ўзгаришлар тоифасига киритишимизга асос бўлмайди. Аффект инсоннинг бирон-бир қўзғатувчи ҳодисага нисбатан нормал руҳий муносабати саналади. Шу сабабли ҳам аффект ҳолатида содир этилган ижтимоий хавфли қилмишлар жиноий жавобгарликка лойиқдир.

А.Ш.Тхостов ва И.Г.Колымбанинг фикрича, “аффект қачонки шахс ҳаракатларида ихтиёрийлик ҳолати йўқотилганда ва юзага келган ҳодиса ёки нарсанинг мазмунини англаш қобилияти бузилганда патологик руҳий ҳолат сифатида юзага келиши мумкин” [9]. Ф.С.Сафуанов аффект ҳолати “инсоннинг ўз ҳаракатларини аниқ мақсад сари йўналишини танлашдаги иродавий эркинлигини чеклаши”ни айтади [10]. Бу ҳолатда шахс ҳаракатларининг мақсади аниқ бир вазиятга боғлиқ равишда вужудга келади. “Аффект – бу аниқ бир ҳолатларда шахсни жиноят содир этишга ундовчи кучли руҳий ҳаяжонланишдир. Шу боис, жиноят қонунида ижтимоий хавфли қилмишни аффект ҳолатида содир этганлик учун жиноий жавобгарлик ўрнатилган” [11].

Р.С.Немовнинг фикрича, “Аффект бу – инсон хулқ-атворида яққол намоён бўлувчи ўзгаришлар билан бирга юз берадиган алоҳида эмоционал ҳолат” [12]. Шунингдек, Ф.С.Сафуанов [10], В.П.Васильев [13] ва бошқа психолог олимлар ҳам аффектнинг алоҳида эмоционал ҳолат сифатида тушунишган. Бу ўринда савол туғилиши табиий, “алоҳида эмоционал ҳолат” деганда олимлар томонидан нима назарда тутилмоқда? Бизнингча, бу аффект аниқ ҳиссий ҳолат эмас, балки, у бир қанча аниқ талабларга жавоб берадиган ва ўзига хос белгилар ҳамда босқичларга эга ҳиссий ҳолатларнинг мажмуидир, деган хулоса чиқариш имкониятини беради.

Ф.С.Сафуанов, С.А.Тимофеев, Г.В.Назаренко каби олимлар жиноят ҳуқуқида аффект тушунчасини асоссиз кенгайтиришга уринган бўлиб, улар аффект тушунчаси таркибига стресс, фрустрация, низо каби тушунчаларни ҳам киритишга ҳаракат қилганлар [14]. И.А.Кудрявцевнинг қуйидаги фикрларига қўшиламмиз, унинг фикрича, аффект тушунчасини аниқлаштирувчи ва уни очиқ беришга қаратилган “кучли руҳий ҳаяжонланиш” ҳолати тушунчасини умумий психология фанига тегишли бўлган стресс, фрустрация ва ваҳима тушунчалари орқали аниқлаб ҳамда белгилаб бўлмайди” [15].

Аффект ҳолатида содир этилган қасддан одам ўлдириш жиноятини енгилаштирувчи ҳолатда содир этилган деб топишнинг белгиси сифатида ЖК 98-моддасида кучли руҳий ҳаяжонланиш (аффект) ҳолати назарда тутилган. Мазкур

жиноят жабрланувчининг ғайриқонуний ва ахлоққа зид хулқ-атвориға нисбатан жавоб реакцияси сифатида намоён бўлади. Айнан жабрланувчининг ғайриқонуний ва ахлоққа зид хулқ-атвори “кечиримли” ҳолат сифатида намоён бўлади ва жиноятни ижтимоий хавфлилик даражаси пасайишига сабаб бўлади [16]. Ю.Шарьурова таъкидлашича, “аффе́кт ҳолатини оқловчи мезонларни аниқлашда жиноятчини тавсифловчи субъектив белгилардан ёки аффе́ктни вужудга келтирувчи объектив вазиятлардан келиб чиқиш мумкин” [17]. Ушбу фикрдан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, аффе́кт ҳолатида содир этиладиган жиноятларда жабрланувчи томонидан қилинадиган зўрлик ёки оғир ҳақоратни айбдорни бевосита ўзига ёхуд уни яқин кишисига нисбатан содир этилиши ҳеч қандай аҳамият касб этмайди ва бу унинг зарурий белгиси ҳисобланмайди. Аффе́ктнинг ўзига хос белгиси унинг кутилмаганда вужудга келиши ва қисқа муддатлилиги ҳамда қонунда белгиланган талаблардан келиб чиққан ҳолда юз берганлигидир.

Жиноят кодекси 98-моддасида назарда тутилган жиноятлар инсон ҳаётига қарши қаратилган жиноятлар саналади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси шахснинг ҳаётига қарши қаратилган жиноятлар тоифасида кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдириш жиноятининг тутган ўрни ўзига хосдир.

Ушбу жиноятлар энгиллаштирувчи таркибли жиноятлар сирасига киришини инобатга олсак, уларнинг таркиби ва ўзига хос жиҳатларини ҳар томонлама таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Мазкур жиноятларни энгиллаштирувчи таркибли жиноятлар тоифасига киришига қуйидаги икки ҳолат асос бўлиб хизмат қилади: **биринчидан**, ушбу жиноятларда айбдор ўзига хос руҳий ҳолатда, яъни кучли руҳий ҳаяжонланиш (аффе́кт) ҳолатида ҳаракат қилади, **иккинчидан**, жиноят ҳуқуқи ва криминология нуқтаи назаридан жавобгарликни энгиллаштирувчи ҳолат сифатида аффе́кт фактининг мавжудлиги эмас, балки айбдорда аффе́кт ҳолатини асосли равишда вужудга келганлиги, яъни унинг вужудга келишига бош омил бўлиб жабрланувчининг ғайриқонуний ҳаракатлари ёки ахлоққа зид хулқ-атвори хизмат қилади [18].

Ушбу икки ҳолатнинг мавжудлиги қилмишни кучли руҳий ҳаяжонланиш (аффе́кт) ҳолатида содир этилган, деб ҳисоблашга асос бўлади. Н.Жуманиёзовнинг фикрига кўра, аффе́кт ҳолатида қасддан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказган, шунингдек, бошқа жиноятни содир этган шахс хатти-ҳаракатининг асосида “доимий ҳаракатланиш эҳтиёжи” ётади [19]. Лекин муаллиф ўз илмий ишида бу эҳтиёж қандай белгиларга эга эканлиги, аффе́кт ҳолатини вужудга келтиришдаги ўрни нималарда намоён бўлиши ҳақида фикр юритмаган. Унинг фикрича, “айбдор жиноят содир этаётган пайтда кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида бўлган ёки бўлмаганини айнан шу белгига кўра аниқлаш лозим” [19]. Бу фикрга қўшилмаган ҳолда айтиш мумкинки, аффе́кт (кучли руҳий ҳаяжонланиш) ҳолатини аниқ бир белги билан чеклаб қўйиш ҳам қонун нормасининг амалиётда нотўғри талқинига олиб келиши мумкин. Инсон психологиясининг турлитуманлигини инобатга олганда унинг руҳий кечинмаларини кечиш жараёни белгиларини ҳам нисбий олиш мақсадга мувофиқ.

М.Мусаев олиб борган тадқиқот натижаларига кўра, қасддан одам ўлдириш жиноятининг 48 фоизида жабрланувчи ўз юриш туриши, хулқи, қарашлари билан

жиноятчига қарши борганлиги ва шу тариқа жиноят содир этишга йўл очганлиги аниқланган [20]. С.С.Ниёзованинг фикрича эса, “одам ўлдириш жиноятининг 50 фоизда жабрланувчи ўз юриш-туриши, хулқ-атвори, қарашлари, эҳтиёжлари билан жиноятчига қарши боради ва бу билан жиноятга “йўл очади”. Бунда жабрланувчи ва жиноятчи орасидаги муносабатларнинг ўзига хослиги намоён бўлади [21].

Демак, кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолати ташқи ва ички омилларнинг ўзаро ҳаракати натижаси ҳисобланади. Ташқи ҳолатлар жиноятга ундовчи ташқи таъсирлар мажмуидан иборат бўлса, ички омилларга субъектнинг алкоголь мастлиги, руҳий касаллиги, эмоционал зўриқиши ва бошқаларни киритиш мумкин [22].

Аффект ҳолатидаги хулқ-атвор олдиндан ўйланган мақсад асосида бошқарилмайди, балки шахсни қамраб олган ва уни импульсив ҳаракат қилишга ундовчи ҳиссиёт асосида бошқарилади [23]. Айнан аффектлашган жиноятларни энгиллаштирувчи ҳолат деб топишдаги қийинчилик шунда намоён бўладики, “ғайриқонуний зўрлик ёки ҳақорат бир шахсда кучли эмоционал зўриқишни вужудга келтирса, бошқа бир шахсда эса унча аҳамиятга эга бўлмаган зўриқишни вужудга келтириши мумкин” [24]. Шу боис, аффект ҳолатини баҳолашда шахснинг индивидуал психологик жиҳатларини инobatга олиш лозим.

Жиноят содир этиш вақтидаги айбдорнинг эмоционал ҳолатини баҳолашда суд ва тергов органлари асосан икки ҳолатга эътиборни қаратиши лозим:

– суд ва тергов жараёнида аниқланган жиноят содир этиш вақтидаги айбдор ҳаракатларининг ташқи белгиларига. Масалан, ташқи кўриниши, ҳаракатланиш жараёни, сўзлашиш ва мимикасининг ўзига хослиги ва бошқалар;

– айбдорнинг ўз кўрсатмаларида хабар бериши мумкин бўлган субъектив ҳис-туйғусини бошидан ўтказиш жараёни. Бу туйғуларни айбдор одатда турли шакллардаги сўзлар орқали ифодалашга ҳаракат қилади. Масалан, “бўлган воқеани жуда сал-пал эслайман”, “худди туш каби содир бўлди”, “менда худди нимадир портлагандек бўлди” ёки бошқа шаклларда ифодаланиши мумкин [25].

Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, Жиноят кодексида назарда тутилган кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида содир этилган жиноятларни энгиллаштирувчи таркибли жиноят сифатида эътироф этилганлиги, бу биринчи навбатда бу каби шароитларда жиноят содир этган шахсларга инсонпарварлик принципини татбиқ қилинишини назарда тутса [26], иккинчидан, ушбу энгиллаштирувчи таркибли жиноятларни ўхшаш таркибли жиноятлардан фарқлаган ҳолда амалиётда қўллаш ҳамда унинг белгиларини суд, тергов органлари томонидан тўғри татбиқ қилиниши лозимлигини англатади.

Бизнингча, қилмишни энгиллаштирувчи ҳолат сифатида эътироф этиш учун Жиноят кодекси 98-моддасида қонун чиқарувчи томонидан белгилаб қўйилган қуйидаги ҳолатлар исботланиши лозим: 1) жабрланувчи томонидан зўрлик ёки оғир ҳақорат ёхуд бошқа ғайриқонуний ҳаракатлар содир этилганлиги ва бунинг натижасида айбдорда кучли руҳий ҳаяжонланиш (аффект) ҳолатини вужудга келиш имкониятининг мавжудлиги; 2) айбдорда фактик жиҳатдан кучли руҳий ҳаяжонланиш (аффект) ҳолатини мавжудлиги; 3) жабрланувчининг ғайриқонуний ҳаракатлари ва айбдорда вужудга келган кучли руҳий ҳаяжонланиш (аффект) ҳолати ўртасидаги сабабий боғланишнинг мавжудлиги. Ушбу санаб ўтилган

белгилар ЖК 98-моддасини қонун чиқарувчи томонидан енгиллаштирувчи таркибли жиноят сифатида эътироф этилганлигини англатади.

Ўзбекистон Жиноят кодекси ҳар қандай жиноят таркибида кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолати мавжуд бўлишини, енгиллаштирувчи ҳолат сифатида назарда туттади. ЖК 55-моддаси “д” бандига биноан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлардан бири сифатида жабрланувчининг зўрлик, оғир ҳақорат ёки бошқача ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли вужудга келган кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида жиноят содир этиши белгиланганлиги фикримизни тасдиқлайди.

Табиийки, ЖК 55-моддаси “д” бандига белгиланган кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатини шартлари ва вужудга келиш механизми ЖК 98-моддаси диспозициясидаги кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатининг белгилари билан бир хил бўлиши талаб қилинади. Лекин, ЖК 55-моддаси “д” банди ўзида “тўсатданлик” белгисини назарда тутмаган. Юқоридаги параграфларда батафсил таҳлил қилиб ўтганимиздек, ушбу белги қилмишни кучли руҳий ҳаяжонланиш (аффект) ҳолатида содир этилган деб топишда муҳим аҳамият касб этади. Ушбу жиноят-ҳуқуқий белги жабрланувчининг кучли руҳий ҳаяжонланиш (аффект) ҳолатида жиноят содир этишининг жиноят қонуни билан белгилаб берилган талаби саналади.

Юқоридагилардан қуйидагиларни хулоса қилиш мумкин:

Биринчидан, ўрганиш натижасида айтиш мумкинки, “тўсатданлик” белгиси ЖК 55-моддаси “д” ва ЖК 98-моддаси учун қонун нормасида турли шаклда ўрнатилган бўлиб, уни турлича талқин қилиш мумкин. Хусусан, агар қасддан одам ўлдириб жинояти “тўсатдан вужудга келган кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида” содир этилса, ЖК 98-моддаси билан тавсифланади. Агар у “тўсатдан”лик белгисига эга бўлмаган “кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида”да содир этилса, суд қилмишни тегишли ЖК Махсус қисми моддаси билан квалификация қилиши ва жазо тайинлашда ЖК 55-моддаси “д” бандига биноан жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида баҳолаши лозим, деган бир-бирига зид талқинлар вужудга келади.

Демак, ЖК 98-моддаси ва 55-модда “д” банди мазмунидан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, ушбу моддаларда назарда тутилган кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатлари турли шаклда қўлланилсада, қонун чиқарувчи “кучли руҳий ҳаяжонланиш (аффект) ҳолати”ни бир хил мезонлар билан ўлчаш мақсадга мувофиқ;

Иккинчидан, агар “тўсатданлик” белгиси мавжуд бўлмаган ҳолатда вужудга келган кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида жиноят содир этилса, уни қандай асосларга кўра квалификация қилиш лозим, деган савол ҳам туғилиши табиий. Бизнингча шахс тўсатданлик белгиси мавжуд бўлмаган ҳолатда вужудга келган кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдирса, ЖК 98-моддаси талабларига кўра, бу қилмишни мазкур модда билан квалификация қила олмаймиз, бу вазиятда эса ўз навбатида қилмиш ЖК 97-моддаси тегишли банди билан квалификация қилинади ва ЖК 55-моддаси “д” банди талабларига кўра, жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида баҳоланади. Ушбу ечимни ҳам тўлақонли мақсадга мувофиқ деб топа олмаймиз. Чунки ЖК 98-моддасида кучли руҳий ҳаяжонланиш (аффект) ҳолатини барча зарурий белгилари назарда тутилган бўлса-да, унда назарда тутилган

“тўсатдан” лик зарурий белгисига эга бўлмаган ҳолатларни қонун чиқарувчи ЖК 55-моддаси “д” бандида енгиллаштирувчи ҳолат сифатида мустақкамлаб қўйган.

Бизнингча, бу қонун чиқарувчи томонидан кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолати тушунчасига ЖК 98, 106, 55-моддаларида бир хил ёндашилмаганлигини англатади, чунки мазкур моддалардаги кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатига берилган таърифлар ва унинг белгилари бир-бирини инкор қилиб, қайси тушунчани тўғри деб баҳолашга тўсқинлик қилмоқда.

Бу каби жиноят қонунидаги коллизия нормаларни бартараф қилиш учун Жиноят кодекси 98, 106 ва 55-модда “д” бандида назарда тутилган кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолати тушунчалари ва унинг белгилари бирхиллаштирилиши мақсадга мувофиқ.

Учинчидан, ЖК 55-моддаси “д” бандида назарда тутилган жазони енгиллаштирувчи ҳолат олдимишга жабрланувчи ва айбдор ҳаракатлари ўртасидаги бевосита боғланишни баҳолаш вазифасини қўймайди. Чунки ушбу модда “д” бандида кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолати фақатгина жабрланувчининг зўрлик, оғир ҳақорат ёки бошқача ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли вужудга келиши мумкинлигини мустақкамлаган.

ЖК 55, 98-моддасида аффе́кт ҳолати фақатгина жабрланувчи томонидан қилинган зўрлик, оғир ҳақорат ёки бошқача ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли вужудга келиши баён қилинган бўлиб, лекин, масалага чуқурроқ ёндашсак шунга амин бўлиш мумкинки, аффе́кт ҳолати нафақат жабрланувчи томонидан қонунда назарда тутилган ғайриқонуний ҳаракатлар натижасида, балки жиноят содир этиш жойида бўлган учинчи шахс томонидан ҳам вужудга келтирилиши мумкин.

Хулоса

Ҳуқуқшунос олимлар ва психологлар (С.Л.Рубинштейн, И.А.Кудрявцев, О.Д.Ситковская, А.Ш.Тхостов И.Г.Колымба, Ф.С.Сафуанов ва бошқалар) томонидан мазкур тушунчани баҳолашга қаратилган турли таърифларни таҳлил қилиб, бу борада илмий адабиётларда ягона ёндашув мавжуд эмас, деган хулосага келган. Шулардан келиб чиққан ҳолда, аффе́ктнинг ўзига хос мазмуни уни инсоннинг барча руҳий фаолиятига, айниқса унинг англаш даражасига таъсир кўрсатишида ҳамда шу белги орқали бошқа руҳий кечинмалардан ажралиб туришида кўринади.

Аффе́ктни психологик жиҳатдан ўрганиб чиқиш ўз ичига уни вужудга келишига кўмаклашувчи шарт-шароитлар ва омиллар таҳлилини ҳам қамраб олиши кўрсатиб ўтилган. Мазкур ҳолатларга аффе́ктни вужудга келишига имкон берувчи ҳолатлар; шахснинг ёши ва бошқа ўзига хосликлари; асаб тизимининг хусусиятлари; инсон организмни вақтинчалик заифлаштирувчи омиллар ҳамда бошқаларни киритишимиз мумкин.

Ўрганилган илмий адабиётлар аффе́ктнинг муҳим белгиларидан бири бу уни шахсни онгли ўзини ўзи бошқарувини тўла амалга оширишига имконият бермаслиги ҳақида хулоса қилиш имконини берди. Бу “субъектнинг шахсий қобиляти (қуввати)” тушунчаси билан изоҳланадиган ҳодиса билан бир вақтда юз беради. Бу тушунча суд-психологик экспертизасида “юридик аҳамият касб этувчи субъектнинг шахсий ижтимоий қобиляти (қуввати)” сифатида изоҳланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Tibbiy terminlar ensiklopedik lug'ati = Энциклопедический словарь медицинских терминов / F.Nazirovning tahriri ostida; Tahririyat hay'ati A.I.Ikramov va b. – Toshkent: OOO "OPTIMAL LIGHT", 2010. – Б. 155.
2. Уголовное право России. Учебник для вузов. В 2-х томах. Т. 1. Общая часть. Ответственные редакторы и руководители авторского коллектива — доктор юридических наук, профессор А.Н. Игнатов и доктор юридических наук, профессор Ю.А. Красиков. — М.: Издательство НОРМА (Издательская группа НОРМА—ИНФРА М), 2000. – С.152.
3. Жалилов О. Жиноят содир этилишида муҳитнинг таъсири. // Нуқуқ ва бurch. 2010. – №2 (50). – Б. 53-54.
4. Васильев В.Л. Юридическая психология. – 3-е. изд. – СПб: Издательство «Питер», 2000. – 624 с.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. <https://lex.uz/docs/3735818>
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони. <https://lex.uz/docs/5841063>
7. Ситковская О.Д. Аффект: криминально-психологическое исследование. - М.: Юрлитинформ, 2001. – С. 33.
8. Сафуанов Ф.С. Аффект: субъективно-психологический экспертологический анализ // Психологический журнал. 2001. – № 3. – С. 21.
9. Тхостов А.Ш., Колымба И.Г. Эмоции и аффекты: Обще психологический и патопсихологический аспекты. Часть 2. Патология эмоций в клинике аффективных и тревожных расстройств // Психологический журнал. 1998. – № 5.– С.81.
10. Брагин А.П. Российское уголовное право: Учебно-методический комплекс.– М.: Изд. центр ЕАОИ, 2008. – 426 с.
11. Немов Р.С. Юқорида кўрсатилган адабиёт. – Б. 371.
12. Сафуанов Ф.С. Определение аффекта у обвиняемого: проблемы правоприменительной практики и судебно-психологической экспертизы. // Юридическая психология. 2011. – №1. – С.11-14.
13. Васильев В.Л. Юридическая психология. – 3-е. изд. – СПб: Издательство «Питер», 2000. – 624 с.
14. Сафуанов Ф.С. Судебно-психологическая экспертиза аффекта в свете нового УК РФ: проблемы и перспективы // Психологический журнал. 1997. – № 2. – С. 50-57.; Сафуанов Ф.С. Судебно-психологическая экспертиза в уголовном процессе. Научно-практическое пособие. М.: 1998. – С. 12.; Тимофеев С.А. О критериях отграничения аффекта от иных эмоциональных состояний // Актуальные проблемы дифференциации ответственности и законодательная техника в уголовном праве. Ярославль, 2003. – С. 150-152; Назаренко Г.В. Уголовно-релевантные психические состояния лиц, совершивших преступления и общественно опасные деяния. М.: Юрист, 2001. – С.199.
15. Кудрявцев И.А. Современное состояние и перспективы развития судебно-психологической экспертизы уголовно-релевантного аффекта // Современное

состояние и перспективы развития новых направлений судебной экспертизы. – Калининград, 2003. – С. 42-43.

16. Уголовное право России. Особенная часть. Учебник. 2-е изд., испр и доп. (под редакцией В.П. Ревина, доктора юридических наук, профессора, заслуженного деятеля науки Российской Федерации). - «Юстицинформ», 2010 г. – С.140.

17. Шарьурова Ю. Основания смягчения ответственности за преступления, совершенные в состоянии аффекта. // Закон и право. 2010. – № 8. – С. 81-84.

18. Козаченко И.Я., Спасенников Б.А. О концепции аффекта в уголовно-правовой науке // Российский юридический журнал. 2001. – № 2. – С. 21.

19. Жуманиёзов Н. Кучли рухий ҳаяжонланиш ва аффект. // Huquq va burch. 2007. – №10-11. – Б. 104-105.

20. Мусаев М. Виктимологик профилактика. // Huquq va burch. 2011. – № 2. – Б. 50-51.

21. Ниёзова С. Кучли рухий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдирганлик учун жиноий жавобгарлик. –Тошкент: ТДЮИ, 2005. – 56 б

22. Шарьурова Ю. Основания смягчения ответственности за преступления, совершенные в состоянии аффекта. // Закон и право. 2010. – № 8. – С. 81-84.

23. Сидоренко Э. Особенности уголовной ответственности за преступления, совершенные в состоянии аффекта // Судебная власть. 2004. – №1. – С. 62.

24. Сердюк Л. О понятии насилия в уголовном праве // Уголовное право. 2004. – №1. – С.52.

25. Галюкова М.И. Причинение вреда здоровью в состоянии аффекта. // Уголовный процесс. 2010. – №7. – С.38-41.

26. Б.Мусаев. Аффект (кучли рухий ҳаяжонланиш ҳолати) жавобгарлик ва жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида. // Тошкент давлат юридик институти Ахборотномаси. №4 – Т.: ТДЮИ, 2011. –Б. 144-146